

Гиёҳвандлик Воситалари Ёки Психотроп Моддаларни Ўтказиш Мақсадида Содир Этилган Жиноятларнинг Жиноий-Ҳуқуқий Тавсифи

Х. А. Тураббаев¹

Аннотация: Бу мақолада гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг объекти, қўшимча объект, жавобгарлик ва жиноятни квалификация қилиш, аҳолининг соғлиги соҳасидаги ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши кураш борасида ечимини кутаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини қўллаш, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик масалалари, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг умумий тавсифи ўрганилган.

Калит сўзлар: гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, қонунга хилоф равишда муомала қилиш, жиноятнинг умумҳуқуқий махсус ва бевосита объектлари, жиноят-ҳуқуқий муҳофаза, Жиноят кодекси, БМТ, истеъмол қилиш, жиноий жавобгарлик.

Тажовуз объектини тўғри аниқлаш гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг моҳиятини, ижтимоий ҳуқуқий хавфлилик даражасини аниқлашда муҳима аҳамиятга эга бўлиб, ушбу жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган жиноят-ҳуқуқий нормаларни аниқ қўллашнинг зарур ҳуқуқий шарти бўлиб хизмат қилади. Адабиётларда мазкур тоифага мансуб жиноятларнинг тажовуз объекти масаласига жиддий ҳуқуқий эътибор талаб қилади. Мавжуд қилмиш ҳуқуқий манбаларнинг таҳлили барча муаллифлар фақат ижтимоий ҳуқуқий муносабатларгина жиноятларнинг, шу жумладан, кўриб чиқиладиган жиноятларнинг объекти бўлиши мумкинлиги асосланганлигини кўрсатади. Лекин буёнда шуни қўпчилик ҳар хил талқин қилади. Яна бир гуруҳ олимлар “жиноятнинг объекти ижтимоий ҳуқуқий субъектларнинг манфаатлари” [1,Б.103] деган нуқтаи назарни илгари сурадилар.

Шу боис гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг объекти ҳақида турли хил фикрлар билдирилади. Масалан, ушбу жиноятда аҳолининг соғлиги қандай объект бўлиши (махсус ёки бевосита объект) масаласи юзасидан ягона фикр мавжуд эмас.

О.В.Колесник гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар бир вақтнинг ўзида қонун билан қўриқланадиган ижтимоий ҳуқуқий муносабатларнинг бир неча тоифасига тажовуз қилувчи қўп объектли жиноятлар қаторига киришини қайд этади. Унинг фикрича, жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги ва аҳолининг соғлиги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг бевосита объекти ҳисобланади. Айни шу объектлар мазкур жиноятнинг турдош (махсус) объекти сифатида ҳам амал қилади [2, Б.45].

К.Ш.Курманов аҳолининг соғлиги гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг бевосита объекти, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини белгиловчи муносабатлар мажмуи эса – уларнинг турдош (махсус) объекти бўлади, деган фикрни илгари суради [3, Б. 52].

¹ ИИВ малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси доценти ю.ф.н., профессор



Ушбу масалага П.С.Матушевскийнинг ёндашуви юқорида қайд этиб ўтилган муаллифларнинг ёндашувларидан бирмунча фарқ қилади. Унинг фикрича, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг бевосита объекти – жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби ва аҳолининг соғлиги эса – уларнинг турдош (махсус) объектидир [4, Б. 153].

“Аҳолининг соғлиги” тушунчаси гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларни тўлиқ камраб оладими? Деган масала юзасидан ҳам ҳар хил фикрлар билдирилади. Айрим адабиётларда жиноятнинг бевосита объектини тавсифлашда фақат аҳолининг соғлиги қайд этилади, бошқаларида эса муаллифлар аҳолининг соғлиги, конкрет шахснинг соғлигини бевосита объект сифатида қайд этишда гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ айрим жиноятлар ижтимоий ҳуқуқий муносабатларнинг бирнеча турига зиён етказишини, яъни қўшимча объектлари ҳам мавжудлигини назарда тутадилар. Масалан, К.Ш.Курманов гиёҳвандлик воситаларини ўғирлашнинг таркибини таҳлил қилар экан, аҳолининг соғлигини асосий бевосита объект сифатида қайд этади, мулк ҳуқуқий муносабатларни қўшимча объект, деб ҳисоблашни таклиф қилади. Айни вақтда, унинг фикрича, гиёҳвандлик воситаларини ўғирлашда айбдор бировлар ҳисобига ҳаёт кечириши учун шарт-шароит вужудга келади, жаҳамиятда сарфланган ижтимоий ҳуқуқий меҳнат миқдори ва сифатига мувофиқ тарзда моддий неъматларни тақсимлаш тартибига тажовуз қилинади. Айнан мана шу муносабатлар гиёҳвандлик воситаларини ўғирлаш таркибининг қўшимча объектини ташкил этади [5, Б. 54].

И.Н.Дружинин бўлса аҳолининг соғлигига гиёҳвандлик воситалари ғайриқоний савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг махсус объекти сифатида қарайди ва уни гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар заҳарли ва кучли таъсир кўрсатадиган моддалардан тиббий ва бошқа ижтимоий ҳуқуқий фойдали мақсадларда фойдаланишда аҳоли соғлигини таъминловчи ижтимоий ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари билан қўриқланадиган мажмуи деб таърифлайди [6, Б. 90].

Н.А.Мирошниченко жиноят қонуни билан қўриқланадиган объект аҳоли соғлиги, деганда соғлиқни сақлаш қоидаларига риоя этиш юли билан шахснинг уйғун ривожланишини таъминлайдиган ижтимоий ҳуқуқий муносабатлар мажмуини, шунингдек бепул малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва олишда, гиёҳвандлик воситалари, заҳарли ва кучли таъсир кўрсатадиган моддалардан тиббий ва илмий мақсадларда фойдаланишда шахсларнинг номуайян доирасини қўриқлашни тушунади. Н.С.Хруппа гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг тажовуз объектига соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нуқтаи назаридан қарайди ва ушбу тоифага мансуб жиноятларнинг махсус объекти аҳоли соғлиги эмас, балки аҳоли санитария-эпидемиологик ҳолатининг барқарорлиги, беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан гиёҳвандлик воситалари, заҳарли ва кучли таъсир кўрсатадиган моддалардан фойдаланиш борасидаги қонунда назарда тутилган соғлиқни сақлаш муносабатларини ҳисоблаш лозим, деган фикрни илгари суради [7, Б. 9]. В.Н.Смитиенко жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти аҳолининг соғлиги тушунчасининг мазмунини анча муфассал ёритади. Муаллиф унга кишиларнинг реал жисмоний ва руҳий ҳолатини акс эттирувчи, фаолаётининг узайиши ва уларнинг жамиятда қўпайиши учун замин ҳозирловчи, ижтимоий ҳуқуқий фойдали меҳнат қилиш ва дам олиш учун қулай шароит яратувчи, жамият барча аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга қўмаклашувчи, улар уйғун ривожланиши ва жамият тараққиётининг негизини ташкил этувчи муносабатларнинг ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари билан тартибга солинган ягона ахлит тизими деб таъриф беради.

Фикримизча, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятларнинг объекти, аввало жамоат хавфсизлиги, гиёҳвандлик воситалари билан муомала қилишнинг қонуний тартиби ҳисобланади, одамларнинг соғлиги эса жиноятнинг қўшимча объекти ҳисобланади, чунки гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларини ўтказилганлик фактининг ўзи жавобгарлик ва жиноятни квалификация қилиш учун асос



бўлади, унинг натижасида рўй берган оқибатлар қилмишнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг объекти тўғрисидаги масалага нисбатан ёндашувларнинг ҳар хиллиги объект ҳақида мукаммал таълимотнинг ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқдир.

Кўриб чиқилган ёндашувларнинг муаллифлари жиноят объектини тавсифлашда объектларни “вертикал йўналишда” таснифлаш ҳақидаги анъанавий ёндашувлардан келиб чиқади. Сўнгги йилларда жиноятнинг умумҳукукий, махсус ва бевосита объектларининг ўзаро нисбати масаласига анъанавий ёндашувдан ташқари, адабиётларда янги ёндашув ҳам берилган [8, Б.70-71]. Бу ёндашув тарафдорлари умумий қабул қилинган тажовуз объектларини умумий, махсус ва бевосита объектларга ажратиш тартибининг тўғрилигига шубҳа билдирадилар, бу тасниф объектларнинг моҳиятига зид деб кўрсатадилар. Айни вақтда, амалда бундай ажратиш тўғрисида сўз юритилган ҳолда, жиноят объектларини эмас, балки уларни тавсифловчи белгиларни таснифлаш назарда тутилади, деган хулоса чиқарилади. Шу нуқтаи назардан амалда тажовузнинг умумҳукукий, махсус ва бевосита объектлари бўлиши мумкин эмас, балки тажовуз объектларининг умумий, махсус ва хусусий белгилари мавжуддир.

Юқорида бир гуруҳ муаллифлар томонидан билдирилган аҳолининг соғлигига кўриб чиқилаётган жиноятларнинг бевосита объекти, деган фикр бизнинг муносабатлар жиноят-ҳукукий муҳофаза объекти бўлади, деган нуқтаи назарларнинг моҳиятига зиддир, яъни аҳолининг соғлигига ижтимоий ҳукукий муносабат сифатида қаралиши мумкин эмас, чунки у ижтимоий ҳукукий муносабат иштирокчиси бўлган шахсга хос бўлган белгидир.

С.А. Исимов ва Е.И.Каиржоновларнинг фикрича ҳам, “гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш жиноятининг бевосита асосий объекти гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ва прекурсорлар билан муомала қилишнинг белгиланган тартиби, шунингдек кўшимча объекти аҳолининг соғлиги ҳисобланади” [9, Б. 198].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти соғлиқни нафақат касаллик ва жисмоний нуқсонлардан холилик, балки жисмоний, маънавий ва ижтимоий ҳукукий баркамоллик ҳолати сифатида таърифлайди. Бинобарин, соғлиқ шахснинг уйғун ривожланиши, баркамоллиги, бунёдкор меҳнатда ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишининг муҳим шартларидан биридир [10, Б. 5]. Кўпгина жиноятлар натижасида соғлиққа шикаст етказилиши мумкин, лекин жиноят-ҳукукий муҳофазанинг мустақил объекти сифатидаги соғлиққа тажовуз қилганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг турли бобларида назарда тутилган. Хўш, бу объектларнинг фарқи нимада? Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган соғлиққа қарши жиноятларнинг мазмуни шундан иборатки, бунда “бевосита ва фақат инсон соғлигига” шикаст етказилади, яъни муайян шахснинг соғлиги тажовуз объекти ҳисобланади. Бу ҳолда “соғлиқ” тушунчаси тор маънода – инсоннинг жисмоний ёки руҳий баркамоллиги маъносида тушунилади. Шундай қилиб, жиноятларнинг шахсга қарши қаратилганлиги муайян даражада соғлиққа етказилган шикастнинг турини – жисмоний зарар етказишни белгилаб беради. Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш жиноятларига татбиқан “соғлиқ” тушунчаси ҳажман ва мазмунан кенг, чунки етказиладиган зиённинг серқирралиги билан тавсифланади (жисмоний зарар, маънавий зарар).

Аҳолининг соғлиги соҳасидаги ижтимоий ҳукукий муносабатлар ўз ижтимоий ҳукукий-сиёсий аҳамиятига кўра муҳим муносабатлар қаторига киради. Шунинг учун ҳам аҳолининг соғлигини сақлаш, жиноят-ҳукукий адабиётларда кўп қарра таъкидлаб ўтилганидек, мустақил ҳукукий муаммони ташкил этади, жиноят қонунида аҳолининг соғлигига қарши жиноятларнинг алоҳида бобга ажратилганлиги ҳам фикримизни тўғрилигидан далолат беради. Шундай қилиб, гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш билан боғлиқ жиноятларнинг объекти шахс соғлигига шикаст етказишга қодир бўлган махсус воситалар билан муомала қилиш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий ҳукукий муносабатлар ҳисобланади.



Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш билан боғлиқ жиноятлар сонининг ошиб бораётганлиги кишиларнинг соғлиги ва моддий аҳволига жиддий хавф солади ҳамда жамиятнинг иқтисодий, маданий ва сиёсий асосларига путур етказди.

Гиёҳванд воситаларни сотишдан тушган маблағларни лэгаллаштириш эса иқтисодий аҳволга салбий таъсир кўрсатади ва давлатнинг барқарорлиги, хавфсизлиги ва суверенитетига хавф туғдиради. АҚШ Сенатининг наркотиклар ва терроризмга қарши кураш кўмитаси маълумотларига кўра жаҳонда йилига 320дан 520 миллиард долларгача ғайриқонуний маблағ лэгаллаштирилади. Бундан 250 миллиард долларини айнан гиёҳвандлик воситаларини сотишдан тушган маблағ ташкил этади [11, Б. 28-30]. Айнан жамоат хавфсизлиги, жамият ва давлат манфаатларига гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир қилинадиган туфайли жиддий зарар етказилади. Шу сабабли ҳам гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этилган жиноятлар объектини белгилашда аввало жамият ва давлат манфаатлари ҳисобга олиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек ушбу жиноят таркибининг субъектив белгиларини тавсифлаш тўғрисида сўз юритилганида, одатда белгиларнинг икки гуруҳи: субъектга ёки субъектив томонга тегишли белгилар назарда тутилади. [12, Б. 14]. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш билан боғлиқ жиноятларнинг бу белгилари ҳақида адабиётларда кўп гапирилган. Биринчи гуруҳга мансуб белгиларни таҳлил қилишда одатда жиноий жавобгарликка тортиш ёши қуйи чегарасининг ўзига хосликларига эътибор қаратилади. Аксарият ҳолларда бу масалани ҳал қилиш ҳуқуқий қийинчилик туғдирмайди, чунки гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда эгаллаш учун бундай қилмиш содир этган шахслар ўн тўрт ёшдан бошлаб, таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган экинлар ҳуқуқий етиштириш, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга жалб этиш, гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар учун эса – ўн олти ёшдан бошлаб жавобгарликка тортилиши ЖКнинг 17-моддасида тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган.

ЖК 273-моддасида жавобгарлик белгиланган қилмиш учун жавобгарликка тортилиш ёши 16 ёш ҳисобланади. Шу билан биргаликда ЖК 273-моддасида умумий субъектга хос белгилар билан биргаликда, қилмишни квалификация қилиш учун зарурий бўлган белгилар ҳам мавжуд. Масалан, ЖК 273-моддаси учинчи қисми “а” бандида илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан, “б” бандида бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; тўртинчи қисми “а” бандида ўта хавфли ретсидивист томонидан, “б” бандида уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноят учун жавобгарлик белгиланган.

“Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир қилинадиган жиноятларда айбнинг шаклини аниқлашнинг юридик адабиётларда таклиф қилинган ечимларини таҳлил қилишда муайян қийинчиликлар туғилади. Чунончи, гиёҳвандлик воситаларини олиш, сақлаш, ташиш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар фақат қасддан содир этилиши мумкин, деб ҳисобланади [13, Б. 84-85]. Бу БМТнинг 1961 йилда қабул қилинган “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги Конвенциясининг 36-моддаси талабларига тўла жавоб беради. Мазкур моддага биноан, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ ҳаракатлар қасддан содир этилган тақдирдагина жиноят, деб топилади.

Гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш билан боғлиқ жиноятларнинг субъектив томонини муҳокама қилишда мазкур жиноятларнинг мақсади тўғрисидаги масала эътибордан четда қолмаслиги керак. Амалдаги ЖКда бу масалага алоҳида эътибор берилади: гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ҳаракатларини гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида содир этиш ЖК



273-моддасининг биринчи қисми билан баҳоланади. Ўз-ўзидан равшанки, бу қилмиш учун нисбатан оғирроқ жазо назарда тутилган: олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш. Умуман олганда, бизни қизиқтираётган жиноятлар гуруҳига мансуб қилмишларда жиноий ҳаракатларни содир этишдан кўзланган мақсад алоҳида аҳамиятга эга эканлигини инкор этмаган ҳолда, биз бу масалага иккита аниқлик киритишни лозим, деб топдик:

1. ҳозирги вақтда қонун чиқарувчи томонидан гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш тушунчасини кенгроқ талқин қилинган. Фикримизча, гиёҳвандлик воситаларини сотиш, ҳадя қилиш, айирбошлаш, қарз ўрнига тўлаш, қарзга бериш, гиёҳвандлик воситаси эгасининг бошқа шахсга инъексиялар қилиши ва ҳоказолар билан боғлиқ ҳаракатлар гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш сифатида баҳоланиши лозим.
2. Гиёҳвандликнинг кўпайиш омили бўлган гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ғайриқонуний муомаласи учун назарда тутилган жазонинг муҳим аҳамиятга эгаллигини тан олган ва шахсан фойдаланиш, баъзан улардан бошқа ҳар қандай тарзда фойдаланиш доим ҳам ушбу воситаларни ўтказиш ҳисобланавермаслигини назарда тутиб, ЎЗРЖК 273-моддаси диспозициясидаги: “ўтказиш мақсадида” сўзларини “шахсан фойдаланиш мақсадини кўзламай” сўзлари билан алмаштиришни таклиф қиламиз. Фикримизча, масалани бундай ҳал қилиш мақсадга мувофиқроқ бўлади, чунки у суд амалиёти эҳтиёжларига кўпроқ мос келади; гиёҳвандлик воситаларини ғайри қонуний муомалага киритиш билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарликнинг дифференциация қилиш зарурлиги ҳақидаги фикрни янада аниқроқ акс эттиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, сўнгги вақтларда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланиши масаласига юридик адабиётларда катта эътибор берилмоқда. Масалан, Л.В.Сердюкнинг фикрига кўра, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш учун жиноий жавобгарлик белгилаш бу ҳодисага барҳам бериш мушкул. “Тап шундаки, - деб ёзади муаллиф, - гиёҳванд шахс жиноий жавобгарликка анча кеч, гиёҳвандлик воситаларига қарам бўлиб қолганидан кейин тортилади. Бинобарин, биз даволаш мумкин бўлган, лекин қонун билан қўрқитиб бўлмайдиган шахсни суд қиламиз”

[14, Б. 56-57]. Бу фикрга қўшилган ҳолда, айрим муаллифлар гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш учун жиноий жавобгарликни белгилаш гиёҳванд воситалар истеъмол қилувчиларни аниқлашни анча қийинлаштиришини, чунки улар жавобгарликдан қўрқиб, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишини яширишини ҳамда уларга нисбатан жазо қўллашдан кўра даволаш чоралари кўрилиши лозимлигини таъкидлайдилар .

Бундан ташқари, баъзи бир олимлар мазкур жиноят-хукукий норманинг қонунга киритилиши бошқа салбий оқибатларга, яъни: жиноий жавобгарликка тортилган ва жазога ҳукм қилинган шахслар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар сонининг кўпайиши, улар ўртасида гиёҳвандликка чалинган жиноятчилар, ҳукми ижро этиш муассасаларида бирга сақланишига олиб келиши мумкинлиги, гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг латентлик даражаси янада ошиши мумкинлигини таъкидлайдилар [15, Б.150]. Т.В.Боголюбовава Т.А.Толпекин ҳам шундай ҳисобланади. Уларнинг фикрига кўра, эндигина гиёҳвандлик воситалари истеъмол қила бошлаган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш ва уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни тайинлаш мамлакатда гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиш даражасининг пасайишини таъминлай олмайди [16, Б. 84]. Шу нуқтаи назардан, олимларнинг гиёҳвандликка қарши курашнинг ҳукукий чоратadbирлари тизимида гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиш учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг мавжудлиги мантиққа зиддир, деган фикрига қўшилмаслик мумкин эмас.

Ўтган асрнинг 80-90-йилларида гиёҳвандликка қарши курашнинг таъсирчан омили сифатида адабиётларда гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилганлик учун гиёҳвандларни жиноий жавобгарликка тортишдан воз кечиш зарурлиги масаласи кўтарилди. Бироқ амалдаги қонун ҳужжатларида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга имконият



яратадиган ҳаракатлар учун ҳам жиноий жавобгарлик назарда тутилганлиги туфайли гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини қўзламай қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун жиноий жавобгарликни бекор қилиш ёхуд кўрсатилган ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик белгилаш масаласига кенг эътибор қаратилди. Аммо кўрсатилган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни бекор қилиш ҳақидаги таклифларга эътирозлар билдирилди, айрим муаллифлар “бу гиёҳвандлик замирида содир этилган жиноятлар камайишига эмас, балки кўпайишига олиб келиши мумкин” эканлиги ҳақида фикр билдирдилар [16, Б. 37]. Ушбу маълумотлар гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш билан боғлиқ жиноятлар жиноий жазонинг нисбатан оғирлигига қарамасдан содир этилиши кўпайганлигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам, ушбу жиноятларнинг олдини олишда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, балки жамоатчиликнинг ҳам жуда катта масъулияти борлигини унутмаслигимиз ва бу борадаги профилактика ишларини кучайтириш керак.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Каиржанов Е.И. Избранные труды. Том. 1. Объект преступления-интересы социальных субъектов. – Алматы, Экономика, 2008. – С. 103 (E. I. Kairzhanov Selected Works. Tom. 1. The object of the crime is the interests of social subjects. - Almaty, Economics, 2008. - P.103).
2. The object of the crime is the interests of social subjects. - Almaty, Economics, 2008. - P.103).
3. Колесник О.В. Уголовно-правовые меры борьбы с наркоманией в России. Дис... на соиск. уч. степ. канд. юрид. наук. – М., 1998. – С. 45 (Kolesnik O.V. Criminal law measures to combat drug addiction in Russia. Dis ... for a job. uch. step. Cand. jurid. sciences. - M., 1998. - P. 45).
4. Курманов К.Ш. Наркомания: уголовно-правовые и криминологические проблемы. – М., 1996. – С. 52. (Kurmanov K.Sh. Drug addiction: criminal law and criminological problems. - M., 1996. - P. 52).
5. Матышевский П.С. Ответственность за преступления против общественной безопасности, общественного порядка и здоровья населения. – М., 1992. – С. 153 (Matyshevsky P.S. Responsibility for crimes against public safety, public order and public health. - M., 1992. - P. 153).
6. Курманов К.Ш. Наркомания: уголовно-правовые и криминологические проблемы. – М., 1996. – С. 54 (Kurmanov K.Sh. Drug addiction: criminal law and criminological problems. - M., 1996. - P. 54).
7. Дружинин И.Н. Об объекте преступлений, связанных с противоправным обращением с наркотическими веществами. // В.: Проблемы правоведения. - №40. – Киев, 1990. – С. 90 (Druzhinin I.N. About the object of crimes related to illegal handling of narcotic substances. // V.: Problems of jurisprudence. - No. 40. - Kiev, 1990. - P. 90).
8. 90 (Druzhinin I.N. About the object of crimes related to illegal handling of narcotic substances. // V.: Problems of jurisprudence. - No. 40. - Kiev, 1990. - P. 90).
9. Хруппа Н.С. Уголовно-правовая борьба с хищениями наркотических средств. Автореф. дисс... канд. юрид. наук. – Киев, 1994. – С. 9 (Khruppa N.S. Criminal law fight against drug theft. Author's abstract. diss ... cand. jurid. sciences. - Kiev, 1994. -- P. 9).
10. Ковалев М.И., Козаченко И.Я., Новоселов Г.П. Классификация объектов преступления. // Правоведение. – 1990. №2. – С. 70-71 (Kovalev M.I., Kozachenko I.Ya., Novoselov G.P. Classification of objects of crime. // Jurisprudence. - 1990. No. 2. - P. 70-71).
11. Исимов С.А., Каиржонов Е.И. Наркотическая преступность. – Алматы, 2006. – С.198 (Isimov S.A., Kairzhonov E.I. Narcotic crime. - Almaty, 2006. -- P. 198).
12. Устав (Конституция) Всемирной организации здравоохранения. // Основные документы Всемирной организации здравоохранения. – Женева, 1968. – С. 5 (Charter (Constitution) of the World Health Organization. // Basic documents of the World Health Organization. - Geneva, 1968. -- P. 5).
13. Расулев А., Ньматов Ж. Общая характеристика легализации доходов, полученных от незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ. // Giyohvandlika



qarshi kurash: nazariya va amaliyot (ijtimoiy-huquqiy jihatlar) mavzusidagi xalqaro ilmiy amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent, 2008. – B. 28-30 (Rasulev A., Nematov Zh. General characteristics of the legalization of incomes obtained from illicit trafficking in

14. narcotic drugs and psychotropic substances. // Proceedings of the international scientific practical conference on the fight against drugs: theory and practice (socio-legal aspects). - Tashkent, 2008. - P. 28-30).
15. Abdurasulov Q.R. Jinoyatchilikning maxsus subyekti: O'quv qo'llanma. – Toshkent: Taraqqiyot IICh x/f matbaa bo'limi, 2005. – B. 24; Bakunov P.B. Ayb jinoyat subyektiv tomonidan zaruriy belgisi sifatida: O'quv qo'llanma. – Toshkent, Adolat, 2006. – B. 14 (Abdurasulov K.R. Special subject of crime: Textbook. - Tashkent: Taraqqiyot IICh x / fprinting department, 2005. - P. 24; Bakunov P.B. Ayb as a necessary sign by the subjective of the crime: Textbook. - Tashkent, Adolat, 2006. - P. 14).
16. Niyozov S.S. Giyohvandlikka qarshi kurash muammolari. // Giyohvandlikka qarshi kurash: nazariya va amaliyot (ijtimoiy-huquqiy jihatlar) mavzusidagi xalqaro ilmiy amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent, 2008. – B. 84-85 (Niyozov S.S. Problems of drug control. // Proceedings of the international scientific-practical conference on drug control: theory and practice (socio-legal aspects). - Tashkent, 2008. - P. 84-85).
17. Сердюк Л.В. Вопросы совершенствования борьбы с наркоманией и токсикоманией // Актуальные проблемы совершенствования уголовного законодательства. Межвузовский сборник научных трудов. – Хабаровск, 1998. – С. 56-57 (Serdyuk L.V. Voprosy sovershenstvovaniya borby s narkomaniyei i toksikomaniyei // Aktualnye problem sovershenstvovaniya ugovnogo zakonodatelstva. Mezhvuzovskiy sbornik nauchnykh trudov. - Khabarovsk, 1998. - P. 56-57).
18. Леонтьев Ю.Б., Лозбяков В.П., Овчинский В.С. Если спорить не только о терминах. // Социологические исследования. – 1996. №3. – С. 150.; (Leontiev Yu.B., Lozbyakov V.P., Ovchinsky V.S. If you argue not only about terms. // Sociological research. - 1996. No. 3. - P.150).
19. Боголюбова Т.А., Толпекин К.А. Наркотизм и наркомания: основные направления борьбы и профилактики // Сов. государство и право. – 1997. №1. – С. 84 (Bogolyubova T.A., Tolpekin K.A. Narcotism and drug addiction: the main directions of struggle and prevention // Sov. state and law. - 1997. No. 1. - P. 84).__

